

Шайх Муҳаммад Тақий Усманий ҳазратлари Ўзбекистон мусулмонлар идорасига ташриф буюрдилар



08:40 / 19.04.2019 4985

Шайх Муҳаммад Тақий Усманий ҳазратлари Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси муфтий Усмонхон Алимов билан учрашдилар.

Меҳмонлар муфтий Усмонхон Алимов бошчилигидаги Ўзбекистон мусулмонлари идораси ходимлари томонидан илиқ кутиб олинди.

Учрашув давомида яқин истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган илмий ҳамкорлик масалалари кенг муҳокама қилинди.

Шундан сўнг, Шайх Муҳаммад Тақий Усманий ҳазратлари бошчилигидаги делегация Имом Бухорий номидаги Ислом институтига ташриф буюришди. Тадбир давомида Ислом институти мударрис ва талабалари билан илмий-маърифий суҳбат ўтказилди. Учрашувда Шайх Муҳаммад Тақий Усманий ҳазратлари томонидан илми толибларга талаби илм борасида қимматли маслаҳат ҳамда кўрсатмалар берилди.

Тадбир давомида институти мадаррис ва талабалари билан илмий-маърифий суҳбат ўтказилди. Учрашувда Шайх Муҳаммад Тақий Усманий ҳазратлари томонидан илми толибларга талаби илм борасида қимматли маслаҳат ҳамда кўрсатмалар берилди.

Хусусан, Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизахуллоҳ бир вақтлар аجدодлари дунёга устозлик қилган ўзбек халқидан, бир кун келиб яна ана шундай забардаст алломалар чиқишига умид билдира туриб, бунинг учун ҳар бир илми толиб бу борада сўзда эмас, балки амалда ғайрату шижоат қилишлари лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Шу ўринда шайх, муфтий Муҳаммад Тақий Усманий ҳазратлари «Hilol-nashr» нашриёт-матбааси раҳбарияти таклифига биноан юртимизга ташриф буюрганларини эслатиб ўтиш, мақсадга мувофиқдир.











